



# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2017 йил 27 декабрь, № 261 (6955) Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

## МДХ давлат раҳбарларининг норасмий учрашуви

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 26 декабрь куни Москва шаҳрида бўлиб ўтган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Давлат раҳбарлари кенгашининг норасмий учрашувида иштирок этди.



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевни Ново-Огарёво қароргоҳида Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин кутиб олди.

Владимир Путин давлат раҳбарларини таширифи билан қўллаб, Россиянинг МДХга раислиги якунлари ҳақида тўхталиб ўтди.

У.А. Сарвар УРМОНОВ олган сурат.

Жорий йил ўзаро интеграцияни мустаҳкамлаш ва ташкилот нуфузини ошириш бўйича муҳим ишлар амалга оширилганини таъкидлади.

Президент Шавкат Мирзиёев жорий йилда Ўзбекистоннинг МДХ мамлакатлари билан ҳамкорлиги янада мустаҳкамланиб, товар айирбошлаш ҳажми сезиларли ошганини таъкидлади.

2018 йил Россияда бўладиган воқеалар муҳим аҳамиятга эга экани, Президент сайловида Россия халқи муносиб номзодга овоз беражаги таъкидланди.

Учрашувда Ҳамдўстлик давлатлари ўртасида турли соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантириш, хавфсизликни мустаҳкамлаш, минтақага таҳдид ва хатарларнинг олдини олиш масалаларига эътибор қаратилди.

Маълумки, Ўзбекистон МДХ доирасидаги ҳамкорликда фаол иштирок этиб келмоқда. Мамлакатимизнинг ушбу ташкилотга аъзо давлатлар билан турли соҳалардаги алоқалари изчил ривожланмоқда.

Президентимиз шу йил 10-11 октябрь кунлари Сочи шаҳрида бўлиб ўтган МДХ Давлат раҳбарлари кенгаши мажлисида иштирок этди. 3 ноябрь куни пойтахтимизда Ҳукумат раҳбарлари кенгаши йиғилиши ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномасида давлатимизнинг ташқи сиёсатидаги устуворликлар ҳам айтиб ўтилди.

Учрашувда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

## ЭЪТИРОФ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси хорижий мамлакатларнинг ижтимоий-сиёсий ва эксперт-таҳлил доиралари вакиллари ўртасида ҳам катта ақс садо берди.

Улар давлат ҳаётининг барча жабҳасини ривожлантириш бўйича Ўзбекистон етакчиси томонидан илгари сурилган ташаббусларни қўллаб-қувватлашларини билдиришмоқда.

## Ўзбекистон Президентининг парламентга Мурожаатномаси хорижлик экспертлар нигоҳида

Андре Могни, Молия ва иқтисодиёт эксперти, Еврокомиссия ва Европа ташқи ишлар хизматининг собиқ етакчи ходими (Бельгия):

— Ўзбекистон Президентининг миллий парламент палаталарига Мурожаатномаси билан танишиб чикдим. Унда мамлакатдаги ҳозирги вазият, шунингдек, жамият олдида турган устувор вазифалар ўз ифодасини топган. Давлат раҳбари аҳолини ислохотлар жараёнига жалб этишга алоқадорлиги тўғрисидаги ҳаққоний фикрларига тўла қўшилган.

Менимча, назорат органларини ислох қилиш, яъни қўлай ва тўғри бошқарувни яратиш, маъмурий очиқлик ҳамда шаффоқлиқни таъминлаш гоёси Ўзбекистон Президентининг ушбу нутқидаги яна бир муҳим жиҳат бўлди.

кўтарган масалалар — минтақавий сиёсат, ижтимоий масалалар, хусусий жабҳани ривожлантириш, хорижий сармояларни жалб этиш, энергия, нефть ҳамда газдан самарали фойдаланиш, сув ресурсларини бошқариш сингари долзарб масалалар юзасидан билдирган фикрларига тўла қўшилган.

## МУНОСАБАТ

Мен қарийб ярим асрдан буюн давлат ҳамда жамоат ишларида меҳнат қилиб келаман. Бу ўтган давр ҳаёт ва жамият ҳақида, инсон умри тўғрисида тугал фикрга келишга арзийдиган вақт, албатта.

## МАРД ЭЛГА ҚАЙИШАДИ

Қолаверса, бизнинг авлод пешонасига мустақил тузумда яшаш ҳамда ишлашдек оғир бир қисмат битилдики, бу ҳам инсон тақдири ҳақидаги ўй-хаёллари-мизани кенгайтириди, Абдулла Орипов айтганидай, кўпчилигимизни "буюк бир ҳикмат"га юзлантirdи.

Бугун Ўзбекистон янги даврга қадам қўйди. Буни биз ақин бир йилда гувоҳи бўлганимиз — ура-урачилик, кўзбўямачилик ҳамда ҳаётимиздан ёлгонларни ситиб чиқарганимиз мисолида кўришимиз мумкин.

Эътибор беринг, биз энди бундай яшаб ва ишлаб бўлмаслигини, халққа хиёнат қилишга ҳеч кимнинг ҳақи йўқлигини, она-халқимизга фидокорона хизмат қилиш ҳар бир раҳбар бурчи ҳамда бу қонда ўзининг ҳаётини принципларни эканлигини маълум қилди.

Иқтисодиётимиз, ижтимоий соҳа, қискача айтганда, одамларимиз ҳаёти биров ҳавас қиладиган даражада эмаслиги галвир сувдан кўтарилганда маълум бўлиб қолди. Президентимиз ўз Мурожаатномасида энди бундай яшаб ва ишлаб бўлмаслигини, халққа хиёнат қилишга ҳеч кимнинг ҳақи йўқлигини, она-халқимизга фидокорона хизмат қилиш ҳар бир раҳбар бурчи ҳамда бу қонда ўзининг ҳаётини принципларни эканлигини маълум қилди.

## ПРЕЗИДЕНТ СОВҒАСИ

мурғак дилларни шодликка тўлдирди

Халқимиз — болажон. Жажжи қизалогини "онам" деб арқалайди, ўғилчасини "отам" дея бағрига босади. "Бир фарзандаг етти маҳалла ота-она", деб биледи. Бола кулгиси олам мунаварлигига менгзалади шеър уқийқлариди.

## ҒАМХЎРЛИК

Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда ёш авлодини жисмонан соғлом, маънан етук қилиб ўстириш борасида амалга оширилган кенг қўламли ишлар замирида ҳам фарзандлар саодатини кўришдек эзгу мақсад муҳассам.

Ғамхўрлик ифодаси яна бир бор буй кўрсатди. Камалакранг чироқлар билан безатилган арча атрофида байрам тантаналари ташкил этилиб, ўғил-қизларга "Президент совғаси" улашилди.

Янги — 2018 йил арафасида ҳам Меҳрибонлик, Мурувват уйлари ҳамда "SOS" болалар маҳаллалари тарбияланувчилари, ота-она қарамогидан маҳрум бўлган ўғил-қизлар, Ватан сарҳадларини ҳимоя қилиб, юртимиз тинчлиги ва барқарорлиги йўлида қурбон бўлган ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари фарзандларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг номидан 12 номдаги ўқув қуроллари ҳамда турфа ширинликлардан иборат қарийб 11 минг дона совғалар мамлакатимизнинг турли ҳудудларига жўнатилди.

— Юртимизда ҳар бир бола ғамхўрликдан баҳраманд, — дейди Халқ таълими вазирлиги бошқарма бошлиғи Ҳикматилла Даминов. — Хусусан, уларни мактабга сифатли тайёрлашни тубдан яхшилаш, таълим масканлари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, келажагимиз ворисларининг интеллектуал, ахлоқий-эстетик ва жисмонан баркамол ривожланиши учун илгор хорижий тажрибани ҳаётга таъбиқ этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

## Ҳаммани уйғоқлик ва ташаббускорликка чорлади

Бугунги кунимиз, эртанги порлоқ келажагимиз илгор гоё ҳамда ташаббусларга боғлиқ. Давлатимиз раҳбари Мурожаатномасида бу борада аниқ чора-тадбирлар, муҳим вазифалар белгилаб берилди.

## ЧУҚУР ҒАМХЎРЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

Чори ПУНДИЕВ, Термиз шаҳридаги Абдулла Аволоний номидаги маҳалла фуқаролар йиғини раиси: — Норез рақамлар, хавфли орзулардан воқеа кечиб, иқтисодиётнинг реал ўсиш суръатига эришиш, аҳоли бандлигини таъминлаш, ижтимоий-иқтисодий ислохотлар пировардида халқимиз турмуш фаровонлигини ошириш кераклиги Мурожаатномасида алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Мурожаатномадан келиб чиқиб, фуқаролар йиғини кенгаши аъзолари билан унда билдирилган устувор гоё ва вазифалар мазмун-моҳияти ҳамда аҳамияти ҳақида суҳбатлашдик ва амалга оширишимиз зарур бўлган чора-тадбирларни белгилаб олдик.

Нигора ХОЖИЕВА, Наманган шаҳридаги "Янгибод" маҳалла фуқаролар йиғинининг масъул котиби: — Маҳалла — барча ишнинг иштирокчиси. Яъни амаллар шу жойда илдиқ олади. Афсуски, фаровон турмушимизга соя соладиган айрим иллатлар

## Сиёсий партиялар: САМАРАСИЗ НАЗОРАТ, ҚУРУҚ МАЖЛИСЛАРДАН БУТКУЛ ВОЗ КЕЧИШ КЕРАК

Мамлакатимиз раҳбари илк бор Олий Мажлисга Мурожаатнома тақдим этди. Тўғридан-тўғри эфир орқали узатишган мазкур тарихий анжумани кенг жамоатчилик, халқаро экспертлар, халқимиз катта қизиқиш ва ҳаяжон билан кузатишти.

## СЎЗ — ФРАКЦИЯЛАРГА

— Юнионга етатган йил миллий давлатчилигимиз тараққиётида муҳим ўрин тутган ижтимоий-сиёсий жараёнларга бой бўлди. Жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилган мазкур ислохотлар марказида, албатта, инсон, унинг манфаатлари, ҳуқуқ ҳамда эркинликларни муҳассамлашгани, узоқни кўзланган ва пухта ўйланган ислохотлар стратегиясини айнаш шу мақсадга йўналтирилганлиги дикқатга сазовор.



(Давоми. Бошланғич 1-бета).

Самимият самимиликка чорлайди. Утган бир йил давомида мамлакатда амалга оширилган ижобий ўзгаришлар ўз самарасини берди, муҳими, мазкур янги ланишлар тўғрисида тарғиба ақс этди. Эҳтибор қилинг, жорий йил ақунлари қўра, ялли ички маҳсулот 5,5 фоиз ўсган, ташқи савдодаги ижобий салдо эса 854 миллион долларни ташкил этмоқда. Бундан оқибатда...

бошқалар каби яшаш имконига эга бўлмай, руҳан қўйналиб юрган минглаб инсонларнинг кўнглини кўтариб, уларни жамиятнинг фаол ва фидоий аъзолари қаторига қўйишга хизмат қилади. Вақт — юрилик. Айниқса, тобора глобаллашиб бораётган учинчи миң йилликнинг оқибатидан ўта хушёрликни, ҳозиржавобликни ҳамда кенг мушоҳадани талаб этади. Интеграциялашаётган, маданиятлар бир-бирига қўришиб бораётган бугунги дунёда ўз сўзини айтиш, халқни ва давлатни манфаатларини қўриқиб туриб ҳимоя қилиш ҳар қачонгидан да долзарброқ аҳамиятга эга. Шу маънода, Ўзбекистоннинг БМТ минбаридидаги тарихий чиқиши нафақат мамлакатимиз, балки халқаро ҳамжамят манфаатлари учун ҳам ўта аҳамиятлидир.

эҳтиёж Шавкат Мирзиёевнинг бу борадаги эришган муваффақиятларидан "сув ичаётганлиги"ни бугун виждони бор одамларнинг барчаси эътибор этмоқда. Халқимизда "бор товотим, кел товотим" деган ҳикматомуз гап бор. Биргина товотимнинг бориб-келишида ҳам меҳр-оқибат, ҳам моддиятни ота-боболаримиз жўнгина ифода қилган. Биз нима қилдик? Чегараларимизни ёпиб, иқтисодиёмизни қасод қилдик. Утган бир йил ичида яқин қўшиларимиз билан йўлга қўйилган алоқаларимиз боис одамларимиз тафаккури ўзгарди, бир-бирига ишончи мустаҳкамланди. Қолаверса, иқтисодиёмиз наф кўра бошлади. Бунинг биргина қўзонгани билан ўзаро товар айирбошлаш кўрсаткичи 2 миллиард долларга етказиш борасидаги саъй-ҳаракатлар мисолида ҳам кўра бўлади. Кириш-чиқаш билан чегара худудлари бўйича ўн йиллар давомида ечилмай келган муаммолар ҳал этилди, Туркманистон ва Тожикистон халқлари ҳам Ўзбекистонимизнинг бу сиёсатидан чеқсиз миннатдор бўлмоқда.

атлар кўриб чиқилгани давлат хизматчиси халқ олдида масъул эканини такрор ва такрор тасдиқламоқда. Ўз навбатида, бу ўтган чорак аср давомида халқнинг минглаб муаммо ҳамда шикоятлари эътиборсиз қолиб келгани, одамларнинг давлат идораларига бўлган ишончи сўниб, халқ билан давлат ўртасида катта жарлик пайдо бўлганини англади. Халқ қабул-хоналари, иқкинчи томондан, одамларнинг хоҳиш-иродасига бўлган тарихий эътиборини ҳам кўрсатади. Давлат ҳокимияти томонидан қабул қилинадиган қарорларда халқнинг истақлари муҳассамлигига эришиш, яъни жамиятда демократия талабларининг амалда намойиш бўлишида ҳам бу тизим ўзига хос асос бўлиб хизмат қилмоқда.

моатчиллик, халқ хоҳиш-иродасининг ифода этилишида катта қадим қўйилган бўлади. Давлат бошқарувидаги ҳаддан ташқари марказлаштирилган тартиб-таъминот билан Мурожаатномада кескин танқид қилинди. Эркинлаштириш ёхуд мўтадиллаштириш сиёсати маъқуллар экан, Президент маҳаллий давлат идораларидаги раҳбар ва мутахассис кадрларнинг салоҳияти ҳамда масъулиятини ҳам тўдан ошириш заруратини кун тартибига қўйди. Қолаверса, Ўзбекистон таъбири билан айтганда, маҳаллий ҳокимлик, яъни ижро этувчи ҳокимият раҳбарининг маҳаллий Кенгашга ҳам раислик қилиши мантиқан тўри эмас. Ахир қандай қилиб ҳисоботини эшитиши лозим бўлган органга ўзи раҳбарлик қилиши мумкин?

# МАРД ЭЛГА ҚАЙИШАДИ

Президентимиз Мурожаатномасида ижтимоий соҳага устувор аҳамият қаратилаётгани аққол сезилиб турди. Дарҳақиқат, 2017 йил мамлакатимизда ночор ва кам таъминланган юртдошларимиз учун алоҳида гамуҳурилик йили бўлди, десак, муҳолафа бўлмайди. Зотан, ногиронлиги белгиланган кишиларнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга доир Президент Фармони қабул қилиниши, аҳолининг камҳарж катламларини ижтимоий муҳофаза этишга йўналтирилган қатор ҳужжатларнинг ҳаётта татбиқ қилиниб, амалга оширилиши натижасида ўн минглаб хондонларга фойза-барача кирди, уларда яшаётган юз минглаб ҳамюртларимиз турмуши қаророн бўлди. Ҳаётга муҳаббатни, давлатга ишончи ортди.

балки бутун инсоният олдидаги энг долзарб масала эканлигини асослаб берган биринчи сиёсатчи бўлди. Ислол маърифат ҳамда тинчлик дини эканини, шу дин ва асосида таълим олган буюк боболаримиз ақл зиёси бугун ҳам инсоният йўлини ёритиб келаётганлигини қатъий таъкидлаган Президентимиз яқин келажакдаги Ўзбекистонда Ислол цивилизацияси маркази, Имом Бухорий ва Имом Термизий номларидаги халқаро илмий-тадқиқот марказлари, Ислол академияси фаолиятининг йўлга қўйилишини фарз билан қайд этди. Биргина яқинлашган йилда маданий-гуманитар соҳаларни ривожлантиришга қаратилган 12 та муҳим ҳужжат қабул қилинган бу борадаги улкан ислохотларнинг далоятидир.

деган гап чиرويли суҳан учун айтилмади. Бунинг таъзирида давлатимиз тараққиётини истиқболли, халқимизга фаровон ҳаёт яратиб беришдек олижаноб истақ муҳасаса. Давлатимиз раҳбарининг тақлифи билан 2018 йилга мамлакатимизда "Фаол тадбиркорлик, инновацион фикрлар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили" деб ном берилиши эса бу борадаги кенг қўламли амалий ишларга мустаҳкам замин ҳозирлади.

қанча вақтини ўғирлаб, асабини бузарди, "отанга бор, онанга бор" қабилотидаги сансалорликлар-чи? Шу маънода, давлат органлари фаолиятига холисона баҳо берадиган бўлсак, Ўзбекистонимиз куришни такрор ҳамда такрор айтаётгандек, осмондан тушиб, халқ хизматини қиладиган вақт келди. Ҳақиқатини айтганда, дастлаб 1996 йилда кун тартибига қўйилган, кейин қайсибир "алломалар"нинг "важ"лари билан тоқчага ташлаб қўйилган "Давлат хизмати тўғрисида"ги Қонунга бугун жуда катта зарурат бор. Нафисламини айтганда, бугунги кунга келиб маҳаллий ҳокимликларини салоҳияти кадрлар билан таъминлаш ўта жиддий муаммолардан бирига айланган.

## ТААССУРОТ

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга тақдим этган Мурожаатномаси кенг жамоатчилик, халқаро экспертлар, хориждаги юртдошларимизда катта қизиқиш уйдотди. Бунинг уларнинг таҳририятимизга йўллаётган хатлари, газетамизнинг электрон почтаси, ижтимоий тармоқлардаги манзилларига юборётган мактублари, қилаётган телефон қўнғирокларидан ҳам билиш мумкин. Хусусан, чет элда таҳсил олаётган ёшларимиз билан интернет орқали болганган муҳбирларимиз уларнинг фикр-мулоҳазаларини ёзиб олди. Қуйида ана шу дил изҳорларидан айримларини эътиборингизга ҳавола этамиз.

## «Бор билим ва салоҳиятимизни жонажон Ватанимиз тараққиёти йўлида сарфлаймиз!»

Баҳром РАҲАБОВ, Цукуба университет докторанти (Япония):

— Ўзбекистонимизнинг кенг қамровли, улкан тарихий аҳамиятга эга Мурожаатномасини интернет орқали тўғридан-тўғри томоша қилдим. Ушбу нутқ очик, ошкоро, танқидий-таҳлиллий руҳда экани билан барчамизда ёрқин таассурот қолдирди. Жумладан, унда давлат ва жамият қилиниши тизимини таъминлаштириш, кўнун устуворлигини таъминлаш ҳамда суд-ҳуқуқ тизимини янада ислох этиш, иқтисодий тараққиётни таъминлаш ва либераллаштириш, ижтимоий соҳани ривожлантириш, ҳафсизлик, миллатлараро тотувлик ҳамда диний бағрикенгликни таъминлаш ва таъқиб сиёсатидаги устувор йўналишлар каби беш қисмда бу жаҳаларда амалга оширилган ишлар атрофида баён қилинди. Қўриган масалаларнинг, айтилган фикрларнинг ҳар бири мамлакатимизнинг бугунги, келажакдаги кўнунлиги, келажакдаги устувор йўналишларини таъминлаш, келажакдаги инновациялар, маҳаллий бошқарувда ижтимоий инновациялар мавзусида илмий иш қилаётган. Тўлаётган илмий ҳамда амалий тажрибамиз мамлакатимиз раҳбари йўлида сарфлаш ниётидаман.



рақобатни енгиб ўтиш учун ҳар бир жаҳада янги ташаббуслар, креатив ёндашувлар, гоғлар ўта муҳим. Уларни ким рўбга чиқаради? Албатта, Ватанин севадидан, билимидан, замонавий фикрлайдиган, тадбиркор инсонлар. Мен ана шундай юртдошларимиз сафида бўлиб, мамлакатимиз раҳбарига хизмат қўйишни фарздандлик бурчим, деб билиман.

Узим ҳақимда тўхталаядиган бўлсам, Цукуба университети докторантиман. Ҳозирги пайтда "Давлат секторида инновациялар, маҳаллий бошқарувда ижтимоий инновациялар" мавзусида илмий иш қилаётман. Тўлаётган илмий ҳамда амалий тажрибамиз мамлакатимиз раҳбари йўлида сарфлаш ниётидаман.

Давлат хизматини ислох этиш учун, аввало, давлат секторида инновацияларни қўриқиб олиш мумкин. Ҳаётан тажрибамиз, қолаверса, турли ривожланган мамлакатларда мазкур йўналишда сингалга тажриба-лар талайгина. Ўзбекистонга иқтисодий-ижтимоий тараққиёт учун барча соҳаларда булгани каби давлат секторида ҳам инновациялар зарур. Умуман олганда, мамлакатда инновацияларни таъминлаш, инновацион гоғлар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили" деб эълон қилинган жуда кўп нарсани англади.

## Ҳаётдаги ИСМОЛОВА, Халқаро ижтимоий тадқиқотлар университети халқаро ҳуқуқ йўналиши магистранти (Италия):

— Давлатимиз раҳбарининг Парламентга Мурожаатномаси чинакам тарихий нутқ бўлди. Биз, хориждаги ёшлар ана шу аҳушда айтилган фикрлардан қаттиқ таъсирланиб, ҳалигача бир-биримиз билан ўз муносабатларимизни ўртоқлашаёмиз. Айниқса, кўтарилган долзарб масалалар орасида ёшлар мавзусига алоҳида эътибор қаратишгани, навқирон авлоднинг ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза этиш зарурлиги тўғрисидаги сўзларидан беҳад қувондик. Жумладан, "Шу мақсадда Ўзбекистон ёшлари халқаро ассоциациясини таъсис ва унинг самарали фаолият юритиши учун тегишли шарт шарт бериши зарур" деган қарор қабул қилинди. Ўшунингдек, спорт ва бошқа соҳаларда фаол мулоқотда бўлишлари мақсадга мувофиқ. Бу уларнинг ўз салоҳиятини дунё миқёсида намойиш этишлари учун катта имконият яратди", дея таъкидлаганлари барчамизни тўқинлантириб юборди.

«Халқ сўзи» мухбирлари Шавкат ОРТИҚОВ, Омонулла ФАЙЗИЕВ ёзиб олди.

# Навоийда пахта-тўқимачилик кластери иш бошлади

Қизилтепа туманининг Тошрабат қишлоғида трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган корхона фаолият бошлади. Кластер усулида ишлайдиган корхона тўлиқ қуватга эришган, туманда биригина пахтачиликдан олинган даромад қарийб 6 баробар ошади.

## ПРЕЗИДЕНТ ТАШРИФИДАН СЎНГ



— Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимизда илк бор тажриба тариқсидан Қизилтепа пахтачилик кластер усули жорий этилмоқда. — дейди корхона таъсисчиси Улуғбек Файзиев. — Ана шу йўналишга қаратилган лойиҳамиз билан танишган давлатимиз раҳбари унинг иқтисодий асосларига, иш ўринлари сонидан тортиб, маҳсулот рақобатдошлиги, экспорт истихболларига эътибор қаратиш ва кимматли кўрсатмалар берди. Айтиш жоизки, корхона қурилиши "ноль"дан бош-



ланди. Бунёдкорлик ҳамда тикув дастгоҳлари хариди учун 14 миллиард сўм йўналтирилди. Унинг 3,5 миллиард сўми тадбиркор маблағи, қолган қисми эса банк кредитидир. Натижада Туркия, Тайвань ва Хитойдан замонавий технологиялар келтирилиб, ишга туширилди. — Бундан икки йил аввал Қизилтепа енгил санаот қасб-хуна қилорини таъминлаган эдим, — дейди Узилшикент маҳалласида истиқомат қилувчи Феруза Турсунтошева. — Ушбу корхона очилиши ҳамда унга ишчилар қатъий таллов асосида қабул қилинишини эшитганча, Тошкентдаги хусусий ўқув марказларидан бирида икки ой малакани ошириб келдим. Омадими чиқиб, қишлоғимиздаги улкан санаот корхонасида фаолият юритиш бахтига муюрса бўлдим. Дарҳақиқат, мазкур ишлаб чиқариш субъектида маҳаллий ёшлардан беш

юз нафарининг бандлиги таъминланди. Келгусида иш ўринларини икки баробар ошириш режалаштирилмоқда. — Маҳсулотларимизнинг 90 фоизини экспортга чиқаришни мўлжаллаётмиз, — дейди МЧЖ раҳбари Фахриддин Муров. — Аксарият жараёнларнинг компьютерлаштирилганлиги ҳамда тикувчиларни қайта тайёрлаш ишларига хорижий мутахассисларни жалб этганлигимиз маҳсулотларимиз рақобатдошлигини таъминлашга хизмат қилиши, шубҳасиз. Бинобарин, ташқи бозорда муносиб ўрин эгаллаш учун замонавий ёндашувлар талаб этилади. Шу мақсадда корхонада дизайнерлар ва маркетинг бўлимлари ҳам ташкил қилинди.

Темур ЭШБОВ, «Халқ сўзи» мухбири. Азамат ЗАРИПОВ олган суратлар.

**Янги йилга  
янги инновациялар билан!**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ  
МИЛЛИЙ БАНКИ**

**юртимиз аҳлини кириб келаётган  
Янги йил билан муборакбод этади**

хамда 2018 йил мамлакатимизда «Фаол тадбиркорлик, инновацион  
ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»  
деб эълон қилиниши муносабати билан жисмоний шахслар учун  
миллий валютадаги «Байрамона» ва «Инновация» номли  
янги муддатли омонат турларини тақлиф этади.

**«Байрамона»**  
омонати  
шартлари

- Омонатни сақлаш муддати — 3 ой.
- Омонатга дастлабки кириш қилинадиган минимал сумма миқдори — 1 000 000 сўм.
- Омонатга маблағлар нақд пул кўринишида ёки пластик карточкалар орқали қабул қилинади.
- Қўшимча маблағлар қабул қилинади.
- Омонат бўйича ҳисобланган фоизлар капитализациясиз миқознинг талаб қилиб олгунча омонат ҳисоб рақамига ўтказиб берилади.
- Омонатга маблағлар 2018 йилнинг 28 февралига қадар қабул қилинади.

**«Инновация»**  
омонати  
шартлари

- Омонатни сақлаш муддати — 1 йил.
- Омонатга маблағлар нақд пул кўринишида ёки пластик карточкалар орқали қабул қилинади.
- Қўшимча бадаллар қабул қилинади.
- Омонат бўйича ҳисобланган фоизлар капитализациясиз миқознинг пластик карточкасига ёки «Milliy» мобил иловаси орқали бошқариш имконияти мавжуд бўлган махсус ҳисоб рақамга (электрон ҳамёнга) ўтказиб берилади.

Қўшимча маълумотларни  
«Ўзмилийбанк»нинг исталган  
бўлим/филиалидан ёки  
**(0-371) 148-00-10**  
телефони орқали  
олиш мумкин.

**www.nbu.uz** Хизматлар лицензияланган.

**«Ўзбекнефтьгаз»**  
акциядорлик жамияти  
жамоаси

Ўзбекистон халқини тобора яқинлашайтган

**Янги йил билан  
чин қилган тадбирқлайди!**

2018 йил сизлар учун кўп-барока, омадлар  
йилли бўлиб, кўвончли воқеалар омиб келсин.  
Сизларга тинчлик-ҳайратхаллик,  
фаровонлик тиллайлик, бошланган  
барча хайрли ишларингизга қилган  
муваффақиятлар ёр бўлсин!

**SAVDOGAR BANK**

Чет эл капитални иштирокидаги  
**«Савдогар»**  
акциядорлик тижорат банки жамоаси

ватандошларимиз, юртимиз меҳмонлари  
ва мижозларини барча интиқ кутаётган  
Янги — 2018 йил билан қизғин қутлайди!

Сизларга мустақкам соғлик, бахт-саодат, оилавий тинчлик ҳамда  
хотиржамлик тилаб, даромадларингизни ошириш мақсадида  
миллий валютадаги куйидаги омонат турлари ва хизматларини тақлиф этади:

- «Бойчечак», • «Хазина», • «Сармоя», • «Мадад», • «Барака», • «Яхши ният»,
- «Жозибатор», • «Навбахор», • «Коммунал тўлов», • «Кўклам нафаси»,
- «Омад қувончи», • «Обод турмуш», • «Кексаларни эъзозлаш».

Банк ўз мижозларига ҳамда юртимиз аҳолисига қулайлик яратиш  
мақсадида жисмоний ва юридик шахсларга банк пластик  
карточкалари орқали ҳисоб-китобларни амалга ошириш бўйича кенг  
қамровли банк хизматларини тақлиф қилади.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Саид Барака кўчаси, 78-уй.  
Телефон: (0-371) 215-50-29.  
**www.savdogarbank.uz / info@savdogarbank.uz**

Хизматлар лицензияланган

Ўзбекистон Республикаси  
Соғлиқни сақлаш вазирлиги  
**ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА  
ИНСТИТУТИ**

кафедралардаги куйидаги вакант  
лавозимларга танлов эълон қилади:

Анорганик, аналитик ва физик-коллоид кимё  
кафедраси: ассистент—1.  
Токсикологик, органик ва биологик кимё кафедраси:  
ассистент—1.  
Фармацевтик кимё кафедраси: ассистент—1.  
Фармакогнозия кафедраси: доцент—1.  
Фармакология ва клиник фармация кафедраси: катта  
ўқитувчи —1, ассистент—1.  
Дори воситаларининг саноат технологияси кафедра-  
си: ассистент—1.  
Фармацевтика ишнини ташкил қилиш кафедраси:  
доцент—1, ассистент—1.  
Биотехнология кафедраси: доцент—1, ассистент—1.  
Физика, математика ва ахборот технологиялари  
кафедраси: ўқитувчи —1.  
Тиллар кафедраси: ўқитувчи —1.  
Экология ва микробиология кафедраси: доцент — 1,  
ўқитувчи —1.  
Фармация кафедраси: доцент—1, катта ўқитувчи —1.

Танлов Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 10 февралдаги 20-сонли қарорига мувофиқ, «Олий таълим муассасаларига педагог ходимларни танлов асосида ишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги Низом» талаблари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 25 августдаги 246-сонли «Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг айрим қарорларига педагогик фаолият самарадорлиги ва сифатини ошириш билан боғлиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори асосида ўтказилади.

Танловда қатнашиш учун аризалар эълон чоп этилган санадан бошлаб 1 ой мобайнида қабул қилинади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Ойбек кўчаси, 45-уй.  
Телефонлар: (0-371) 256-37-38, 256-38-50.

**Халқ сўзи**  
Народное слово

МУАССИСЛАР:  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси  
Қонунийлик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва  
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир **Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1245. 73 542 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

ГАЗЕТАНИЗ ХИРОДАГИ МАЪЛУМОТЛАРНИ ОҚИБ ОЛИШ УЧУН ОП-КОДИНИ ТЕЛЕФОНИК УСУЛИ БИЛАН КИРИТИНГ.

ТЕЛЕФОНЛАР:  
Дирекция (0-371) 233-52-55;  
Котибхона (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

ISSN 2020-8768

Тадбирқат келган қўбзмалар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтариб берилмайди. Режада материаллар учун тадбирқат жавобгар эмас.

Газетанинг отқазиб берилиши учун обуяни расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета тадбирқат компьютер марказида термиди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан сақланади.

Газетанинг полиграфик жабдатлаш сифатини чоп этилган «Шарқ» нашриёт-матбаа иккилодик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**  
100000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.  
Навбатчи муҳаррир — Ф. Бўтаев.  
Навбатчи — М. Холматова.  
Мусахҳах — С. Исмолов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:  
«Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 00.10 Топширилди — 00.40 2 3 4 5 6